

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА БАРЧИНОЙ МАҲМУДҲОНОВНА

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА УСЛУБИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Юнусова Барчиной Маҳмудхоновна

“Алпомиш” достони ономастик бирликларининг лексик-семантик ва
услубий тадқиқи3

Юнусова Барчиной Маҳмудхоновна

Лексико-семантическое и стилистическое исследование ономастических
единиц в эпосе “Алпамыш”27

Юнусова Барчиной Маҳмудхоновна

Lexical semantic and stylistic research of onomastic units in
“Alpomish” epos.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА БАРЧИНОЙ МАҲМУДҲОНОВНА

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА УСЛУБИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.4.PhD/Fil 357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Маъруфжон Муҳаммадович
филология фанлари доктори, профессор

Юлдашев Дониёр Тахирович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “12” 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй, Тел.: (99869)227-07-61; факс: (998) 69-227-01-44; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~684~~ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй, Тел.: (99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2022 йил “4” 02 куни тарқатилди.
(2022 йил “3” 02 даги 8 рақамли реестр баённомаси).


Х.А. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д, профессор

И.Ў. Дарвишов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.Ю. Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида қадимги даврлардан бошлаб фольклор намуналари, хусусан, халқ дostonлари ва уларнинг лисоний жиҳатларига доир илмий, амалий тадқиқотлар яратилган. Антропоцентрик парадигма устуворлиги ортган бугунги кунга келиб қадимий ва тарихий фольклор асарларининг лингвистик жиҳатларига, жумладан, уларда қўлланган атоқли отларни ўрганишга социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, прагматингвистик, антропоцентрик, лингвокультурологик аспектда ёндашув борган сари ортмоқда.

Дунё тилшунослигида халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятларини ўрганувчи лингвофольклористика соҳаси ривожланган ва такомилга эришган илмий йўналиш ҳисобланади. Эндиликда халқнинг тарихи, этник тақомили, маданияти ва санъати ҳамда бадиий ижодининг сара намуналарини, хусусан, улардаги ономастик бирликларни янги лингвистик парадигмалар асосида тарихий ва замонавий аспектларда тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди. Атоқли отлар халқнинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий, этник тараққиётини ва миллий тилнинг шаклий ҳамда мазмуний тақомилини ўрганиш имконини бериши нуқтаи назаридан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида лингвофольклористика ва ономастика илмий жиҳатдан шаклланган ҳамда анча ривожланган йўналишлардан бўлса-да, “Алпомиш” достони ономастик бирликлари лингвистик аспектда махсус ўрганилмаган. “Алпомиш” достони ўзбек халқ тилининг, донолигининг жонли тарихи инъикосидир. “Алпомиш” достонида ўзбек халқига хос атоқли отларнинг барча типлари: антропонимлар (киши номлари, лақаблар), мифонимлар (афсонавий номлар), топонимлар (жой номлари), гидронимлар (сув объекти ва иншооти номлари), оронимлар (тоғ, дара ва ғор номлари), зоонимлар (хайвон, парранда номлари), этнонимлар (уруғ, қабила ва миллат номлари) фаол қўлланган. Мазкур атоқли отлар ўзбек халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари маҳсули сифатида унинг тарихи, тили, маданияти ва этнографияси ҳақида бой маълумотларни беради.

“Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.¹ Бу фикрлар, албатта, ўзбек тилшунослигига ҳам тааллуқли. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги, жумладан, лингвофольклористика ва ономастикаси олдида замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган истиқлол даври тил сиёсати асосида янги тадқиқотлар яратиш вазифаси қўйилмоқда. “Алпомиш” достони ономастик бирликларининг лексик-семантик, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятларини социолингвистик, этнолингвистик тадқиқ этиш ана шундай вазифалар сирасига киради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.20.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърийд-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилининг антропоцентриқ тадқиқи” йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Алпомиш” достони фольклоршунослиқ аспектида Ғ.О.Юнусов, Ҳ.Т.Зарифов, Т.Ғозибоев, М.Саидов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, М.Муродов, А.Эргашев, К.Имомов, Х.Эгамов, Ҳ.Абдуллаев, О.Мадаев, Б.Саримсоқов, М.Қўшмоқов, Н.Раҳмонов, С.Рўзимбоев, М.Жўраев, С.Йўлдошева, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Н.Мадраҳимова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбек лингвофольклористикасида “Алпомиш” достонининг лексик, диалектал, фразеологик, синтактик ва услубий хусусиятлари Р.Расулов, С.Турсунов, Б.Тўйчибоев, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, И.Ёрматов, А.Т.Абдиевлар томонидан ўрганилган.² Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокор,

² Расулов Р. Синтактические связи между словами в дастане “Алпомиш”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 с; Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 160 б; Маҳмудов Н. Ўзбекнинг ўлмас сўзи // Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б.25-37; Ёрматов И. “Алпомиш” достонида сўз такрори шакллариининг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – №5. – Б.53-58; Ўша муаллиф. “Алпомиш” достони поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – №5. – Б.33-38; Йўлдошева С. “Алпомиш” достонидаги ўхшатишларнинг ғоявий-эстетик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №1. – Б.47-52; Саидов М. “Алпомиш” достонидаги исмлар ҳақидаги кайдлар // Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.62-65; Абдиев А.Т. “Алпомиш” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (Хўкиз жирова варианты асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – 23 б; Норкулова Ш. “Алпомиш” достонининг ономасиологик асослари. – Сурхондарё: Сурхон-нашр, 2016. – 64 б. ва бошқалар.

Б.Ўринбоев, К.Бозорбоев, А.Туробовлар томонидан дostonга доир луғатлар ҳам яратилган³. Сўнгги йилларда Ю.Н.Ҳожиёв дostonдаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятларини, Д.А.Ашуров лингвомаданий бирликларни ўрганди⁴, бироқ дostonда қўлланган ономастик бирликлар махсус тўпланмаган ва монографик тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. “Алпомиш” дostonи матнига хос антропоним, этноним, мифоним, теоним, топоним ва зооним каби ономастик бирликларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвофольклористика ва унинг предмети, объекти, илмий такомил масалаларини таҳлил қилиш;

ўзбек лингвофольклористикасининг шаклланиши ва илмий такомилни ёритиш;

“Алпомиш” дostonининг лингвофольклористик тадқиқига доир ишлар таҳлилин бериш ва бу борадаги долзарб вазифаларни белгилаш;

дostonдаги ономастик бирликларнинг статистик таҳлилин бериш;

ономастик бирликларнинг дoston мавзуси ва ғоявий мазмун-мундарижаси такомилдаги ўрни ҳамда вазифаларини ёритиш;

дostonдаги антропонимлар, мифонимлар, топоним ва зоонимларнинг луғавий-маъновий, тарихий-этимологик, номинацион-мотивацион жиҳатларини очиб бериш;

ономастик бирликларнинг этнолингвистик ва лингвокультурологик қирраларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Алпомиш” туркумига мансуб дostonлар ва уларнинг вариантлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини “Алпомиш” дostonи ономастик бирликларининг луғавий-маъновий, тарихий-этимологик, номинацион-мотивацион ва услубий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвофольклористик, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, лексик-семантик, номинацион-мотивацион, статистик ва услубий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Алпомиш” дostonидаги антропоним, топоним, зооним, мифоним каби ономастик бирликларнинг асар мавзу ва ғоясига мутаносиб тарзда шакл ҳамда маъно уйғунлиги тамойилида яратилганлиги далилланган;

дostonдаги антропоним, мифоним, этноним каби ономастик бирликларнинг халқ ва унинг оғзаки поэтик ижоди такомилдаги

³ Мирзаев Т., Эшонкул, Жаббор, Фидокор Селами. “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 164 б; Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” дostonи фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд, 1998. – 42 б; Turobov A. “Alpomish” dostonidagi shevalarga xos soʻzlarning izohli lugʻati. – Samarqand, 2006. – 52 b.

⁴ Ҳожиёв Ю.Н. “Алпомиш” дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари): Филол. фан. фалсафа док. ... (PhD) диссер. автореф. – Тошкент, 2020. – 56 б; Ашуров Д.А. “Алпомиш” дostonининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. фалсафа док. ... (PhD) диссер. – Наманган, 2021. – 155 б.

социолингвистик, миллий, маданий, диний анъаналарни ифодалаш билан боғлиқ лингвокультурологик ҳамда поэтонимлар номланишининг ўзбек халқининг қадимий уруғ-қабилалари анъанларига алоқадор этнолингвистик жиҳатлари очиб берилган;

достондаги антропоним, топоним, зооним ва мифоантропоним, мифотопоним ҳамда мифозооним каби ономастик бирликларнинг луғавий асосларига доир лексик-семантик, тарихий-этимологик, этник жиҳатлар билан боғлиқ миллий-маданий номинацион-мотивацион хусусиятлар очиб берилган;

“Алпомиш” достонидаги бош тимсолларнинг ўзбек лингвомаданиятида халқнинг миллий анъаналари, ғурури, шон-шарафи, орзу-истак ҳамда эзгуликларини ифодаловчи баҳодирлик, паҳлавонлик, мардлик, гўзаллик, вафодорлик эталони ва рамзи сифатидаги лингвофольклористик қирралари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

“Алпомиш” достони ономастик бирликларининг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тили ономастикаси, хусусан, фольклор ономастикасини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, тилшуносликнинг лингвофольклористика, лексикология, услубият соҳалари бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

диссертация материаллари ўзбек фольклори ономастик бирликлари луғатига манба бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек ономастикаси ва лингвофольклористикасини “Алпомиш” достони ономастик бирликларининг лисоний: лексик-семантик ва услубий хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижа ва хулосалари ўзбек тили лексикологияси, лингвофольклористикасига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзишда, олий ўқув юртларида ономастика бўйича махсус курслар ташкил этишда, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида “Алпомиш” достонини ўргатишда манба ҳамда материал вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Алпомиш” достонидаги ономастик бирликлар тадқиқи бўйича олинган илмий натижалардан:

“Алпомиш” достонидаги атоқли отларнинг лисоний таснифи ва тавсифи, социолингвистик, лингвокультурологик, этнолингвистик, лингвофольклористик таҳлили ва бадий, услубий аҳамиятига доир хулосаларидан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017-

2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170927147 – “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 28 октябрдаги 04/1-2076-сон маълумотномаси). Натижада “Алпомиш” достони мавзуси, ғоявий мазмуни ва тимсолларига доир таҳлиллар мукаммаллашган;

достоннинг ономастик бирликларининг лексик-семантик ва услубий тадқиқига доир хулосалар, илмий-назарий қарашлардан Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида Ф1-ФА-0-43429 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 14 апрелдаги 17.01/54-сон маълумотномаси). Натижада “Алпомиш” достонининг ўзбекча ва қорақалпоқча вариантларидаги ономастик бирликларнинг қиёсий тадқиқи мукаммаллашган;

диссертациядаги “Алпомиш” достони тимсолларини ифодаловчи *Довонбий, Алтинбий, Ҳакимбек, Алпомиш, Барчин, Бойбўри, Бойсар, Ултонтоз* каби антропонимлар, *қўнғирот, қалмоқ* этнонимлари ва улар билан боғлиқ хоронимлар (юрт номлари) ва *Бойчибор, Қоранор* зоонимларининг лексик-семантик, этимологик, лингвомаданий таҳлиliga доир илмий хулосалардан 2019-2020 йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 декабрдаги 142-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг “Алпомиш” достонидаги атоқли отларнинг лисоний хусусиятлари ҳамда матндаги вазифаларини ўрганишларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (5 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган ономастик бирликларнинг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Лингвофольклористиканинг назарий масалалари ва “Алпомиш” достони тадқиқи”** номли 1-бобида лингвофольклористика соҳасининг шаклланиши ва илмий такомилли ёритилган.

Бобнинг **“Лингвофольклористика ва унинг предмети, илмий такомилли ҳамда долзарб вазифалари”** номли 1-бўлимида соҳанинг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари, рус ҳамда ўзбек лингвофольклористикасининг тараққиёти, тадқиқотлар таҳлили ва долзарб вазифалар берилган.

Лингвофольклористика термини А.Т.Хроленко томонидан илмий муомалага киритилди ва ҳозиргача фаол қўлланмоқда.⁵ Рус лингвофольклористикасининг пайдо бўлиши ва шаклланишига В.Е.Проппа, А.П.Евгеньева, А.В.Десницкая, П.Г.Богатирёв, И.А.Оссоветский, Д.С.Лихачев, С.Г.Лазутин, С.Е.Никитина, А.Т.Хроленко, Е.Б.Артёменко ва бошқаларнинг фольклор тили тадқиқига доир ёндашувлари асос бўлди.

Янги фаннинг предмети тааллуқли муаммолар доираси П.Г.Богатирёв, А.Р.Евгеньева, И.А.Оссоветский асарларида аниқланган. Халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятлари лингвистика ва фольклоршунослик фанлари алоқаси, ҳамкорлиги негизида юзага келган лингвофольклористика фанининг ўрганиш объектидир. Мазкур фан фольклор асарларининг фонетик, лексик-семантик, фразеологик, диалектологик, морфологик ва синтактик, услубий ҳамда лексикографик тадқиқи билан шуғулланади.

Лингвофольклористика мақсади ва вазифаси ҳамда йўналишига кўра қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Фольклор фонетикаси.
2. Фольклор лексикологияси.
3. Фольклор фразеологияси ва паремиологияси.
4. Фольклор диалектологияси.
5. Фольклор грамматикаси.
6. Фольклор услубияти.
7. Фольклор лексикографияси.

Ўзбек тилшунослигида ҳам лингвофольклористика 50-60-йилларда шаклланди. Ш.Шоабдурахмоновнинг “Равшан” достони бадиий тилига оид номзодлик диссертацияси бу борадаги илк тадқиқот эди. Кейинроқ фольклор асарлари, айниқса, халқ достонларининг лисоний хусусиятларини ўрганишга қизиқиш анча кучайди.

Ўзбек лингвофольклористикасидаги тадқиқотларни йўналишига кўра қуйидагича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин:

⁵ Қаранг Хроленко А.Т. К вопросу о комплексном подходе к изучения языка фольклора // Проблемы лингвофольклористики. – Курск, 1974; Хроленко А.Т. Что такое лингвофольклористика? // Русская речь, 1974.

Фольклор асарлари лексикасига доир тадқиқотлар. М.Садриддинова ўзбек мақол ва тез айтишлари лексикасини⁶, С.Турсунова “Алпомиш”⁷, А.Холиков “Гўрўғлининг туғилиши” дostonининг лексик-семантик хусусиятларини⁸, А.Раҳимов эса ўзбек халқ дostonлари лексикасини қиёсий-тарихий аспектда⁹ тадқиқ этди.

Фольклор асарлари ономастикасига доир тадқиқотлар. И.Худойназаров Эргаш Жуманбулбул ижросидаги асарларда қўлланган антропонимларнинг семантик-услубий хусусиятларини¹⁰, Қ.М.Оллоёров Хоразм туркум дostonлари ономастикасини ўрганди¹¹.

Фольклор асарлари синтаксисига доир тадқиқотлар. Р.Расулов “Алпомиш” дostonидаги сўзларнинг синтактик алоқасини¹², Х.Абдурахмонов халқ мақолларининг синтактик хусусиятларини¹³ ўрганган.

Фольклор асарлари услубияти ва лингвопоэтикасига доир тадқиқотлар. С.Юлдашева “Алпомиш” дostonи поэтикасини¹⁴, Б.Соатов халқ мақолларининг жанрий ўзига хос поэтик жиҳатларини¹⁵, И.Ёрматов ўзбек қахрамонлик эпоси поэтикасини¹⁶, Б.Жўраева мақолларнинг лисоний маъновий-услубий хусусиятларини¹⁷, Ш.Мамадиев ўзбек халқ дostonларига хос услубий фигураларни¹⁸, Г.Жуманазарова Фозил Йўлдош ўғли дostonлари лингвопоэтикасини¹⁹ тадқиқ этди.

Фольклор асарлари лингвостатистикасига доир тадқиқотлар. Д.Ўринбоева халқ оғзаки ижодининг дoston, мақол, топишмоқ, эртақ, кўшиқ жанрлари тилининг фонетик, лексик ва грамматик ўзига хосликларини лингвостатистик ва лексикографик нуқтаи назардан тадқиқ этди.²⁰

⁶ Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1985. – 20 с.

⁷ Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1990. – 19 с.

⁸ Холиков А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Фил. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

⁹ Раҳимов А. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили: Фил. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 27 б.

¹⁰ Худойназаров И. Антропонимларнинг тил тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Фил. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.

¹¹ Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида): Филол. фан. фалсафа док. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.

¹² Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане “Алпамыш”: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1975. – 19 с.

¹³ Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1964. – 33 с.

¹⁴ Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического эпоса “Алпамыш”: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1984. – 20 с.

¹⁵ Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 20 с.

¹⁶ Ёрматова И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси поэтикаси: Фил. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 25 б.

¹⁷ Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 23 б.

¹⁸ Мамадиев Ш. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик фигуралар: Фил. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2007. – 26 б.

¹⁹ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2017. – 75 б.

²⁰ Қаранг. Ўринбаева Д. Ўзбек халқ оғзаки дostonлари тилининг лингвостатистик таҳлили. Монография. – Самарқанд, 2009. – 136 б; Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. Монография. –

Келгусида ўзбек лингвофольклористикасини ривожлантириш, олий ўқув юртларида шу мутахассислик бўйича магистратура йўналишларини очиш, фольклор асарлари тили тадқиқи билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш, соҳага оид “Ўзбек лингвофольклористикаси” номли журнал таъсис этиш долзарб вазифалардандир.

Бобнинг “Алпомиш” достони – лингвофольклористика кўзгусида” номли 2-бўлимида достоннинг тил хусусиятларига доир тадқиқотлар таҳлили ва келгусидаги вазифалар ёритилди.

Туркологияда достоннинг туркий халқларда тарқалган версия ва вариантлари²¹, жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ версияларининг қиёсий типологик жиҳатлари²², “Алпомиша ва Барсынхылу” (“Алпомиш ва Барчинсулув”) номли бошқирд эпосининг генезиси, ўзига хос хусусиятлари, бошқа туркий вариантлар билан муштарак ва фарқли жиҳатлари, поэтикаси²³ тадқиқ этилган. Сўнги йилларда Қ.Йўлдошев “Алпомиш” достонининг бадий хусусиятларини ҳамда миллат маънавиятидаги ўрни ва моҳиятини таҳлил қилган²⁴ бўлса, Отаули (Р.Отаев) достонга доир бадиия яратди.

“Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция алпомишшунослик, жумладан, ўзбек лингвофольклористикаси ривожиди алоҳида моҳият касб этди.

Конференциянинг “Алпомиш” достони: тил, таржима ва адабий алоқалар масалалари” номли иккинчи шўъбасида Мурси ас-Сафари (Миср), Б.Тилолов (Тожикистон), С.Саидов ва Й.Нормуродов (Ўзбекистон) каби

Тошкент: Фан, 2010. – 125 б; Статистическо-синергетическое исследование узбекских фольклорных жанров. Монография. – Тамбов, 2018. – 86 с. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. док. ... диссер. автореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.

²¹ Алпамыс-батыр: Тексты и переводы / Под ред. М.О. Ауэзова и Н.С. Смирновой. Алматы, 1961. – 360 с; Киреев А.Н. Башкирский народный героический эпос. – Уфа: Башкирское книжное издательство, 1970. – 302 с; Киреев А.Н. Исторические типы народных сказителей Башкирии / А.Н.Киреев // Фольклор народов РСФСР, вып. 1. Уфа: Изд. БГУ, 1974. – С. 55-65; Киреев, А.Н. О башкирской сказке “Алпамыша и Барсынхылу” / А.Н.Киреев // Об эпосе “Алпамыш”. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1959. – С.187-196; Киреев, А.Н. Об эпосе “Алпамыш” / А.Н.Киреев // Вопросы башкирской филологии. – М.: Изд-во АН СССР, 1959. – С.175-183; Сулейманов, А.М. Башкирская версия эпоса об Алпамыше // Проблемы изучения и преподавания филологических наук: Сб. материалов Всерос. науч.-практ. конф. 11-13 мая 1999 г.: В 4-х ч; Сулейманов А.М. Башкирская версия эпоса об Алпамыше и легенды о нем // Материалы международной конференции “Эпос “Алпамыш” и народное творчество”. Термиз: Фан, 1999. – С. 126-129; Сулейманов А.М. Башкирские народные бытовые сказки: Особенности сюжетного состава, типологии персонажей, жанровой проблематики и поэтики: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1991. – 426 с. Ахмадов, Р. Таджикский вариант эпоса “Алпамыш” // Эпос “Алпамыш” и эпическое творчество народов мира: Материалы международной конференции. Термиз: Фан, 1999. – С. 129; Ахметшин, Б.Г. Горнозаводской фольклор Башкортостана и Урала. – Уфа: Китап, 2001. – 288 с; Байзаков, Ж.Лексические особенности языка казахского героического эпоса “Алпамыс”: Дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1967. – 230 с; Валитова, А.А. Татарская версия эпоса “Алпамыш” // Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – С.173-209. Смирнова Н. О казахских версиях “Алпамыса” // Алпамыш-батыр. Алматы, 1961. – С. 429-487. Сыдыков, Т. Казахские версии “Алпамыса”: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алматы, 1958. – 24 с. Хошаниязов, Ж. Историко-фольклорная характеристика каракалпакской версии эпоса “Алпамыс”: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 19 с.

²² Алламберганаева Н.Г. “Алпомиш” достонининг ўзбек ва қорақалпоқ версиялари қиёсий типологияси: Филол. фан. фал. док. диссер. автореф. – Тошкент, 2019. – 50 б.

²³ Ягафаров Р.Г. Башкирский народный эпос “Алпамыша и Барсынхылу”: генезис, специфика, поэтика: Автореф. диссер. ... кан. филол. наук. – Казань, 2007. – 20 с.

²⁴ Йўлдошев Қ. “Алпомиш” талқинлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 11.

олимлар “Алпомиш” достонининг тил хусусиятлари, уни таржима қилиш муаммолари ва эпоснинг қардош халқлар фольклорига таъсири хусусида фикр юритдилар. Илмий анжуманда Б.Ўринбоев, Б.Тўйчибоев, Й.Иброҳимов, Р.Сайфуллаева, С.Турсунов, М.Айымбетов, О.Доспанов, Б.Султонов, А.Карибаева, М.Абдурахимов каби ўзбек ва қардош халқ олимларига тегишли достоннинг лексик, синтактик, услубий хусусиятларига доир маърузалар тингланди.

Б.Тўйчибоев “Алпомиш” достонининг халқ тили билан боғлиқ ва алоқадорлик қирраларини монографик аспектда²⁵, И.Ёрматов достондаги сўзнинг такрор шакллари қўлланиши ва айрим поэтик хусусиятларини²⁶, С.Йўлдошева ўхшатишларнинг эстетик функциясини²⁷, А.Т.Абдиев Хўкиз жиров ижросидаги достон вариантынинг лексик-семантик ва стилистик хусусиятларини ўрганди²⁸.

“Алпомиш” достони ономастик бирликларини ўрганиш борасида ҳам айрим ишлар амалага оширилган, жумладан, М.Саидов достондаги исмлар ҳақида қайдлар ёзиб қолдирган²⁹, Ш.Норқулова достон матнидан 150 дан ортиқ атоқли отларни тўплайди ва уларни лисоний таҳлил қилишга уринади, қўлланма яратади³⁰, бироқ апеллятив ва ономастик бирликларни қориштириб юборади, фарқламайди, айрим ўринларда номлар рўйхатини бериш билан кифояланади, уларнинг лисоний таҳлилидан кўра адабий изоҳига кўп ўрин ажратади, илмий терминларни қўллашда ноқисликларга йўл қўяди.

Достон тилига доир лексикографик асарлар ҳам яратилган. Б.Ўринбоев, К.Бозорбоев достондаги фразеологизмларнинг³¹, А.Туробов диалектизмларнинг³², Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокор “Алпомиш” достонининг изоҳли луғатини³³ яратди.

“Алпомиш” достони бўйича ўзбек лингвофольклористикасининг долзарб вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. “Алпомиш” достони туркуми ва вариантларининг мукамал изоҳли луғатини тузиш.

2. “Алпомиш” достони матни фразеологизмларининг изоҳли луғатини яратиш.

²⁵ Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 160 б.

²⁶ Қаранг. Ёрматов И. “Алпомиш” достонида сўз такрори шакллариининг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – №5. – Б.53-58. Ўша муаллиф. “Алпомиш” достони поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – №5. – Б.33-38.

²⁷ Йўлдошева С. “Алпомиш” достонидаги ўхшатишларнинг ғоявий-эстетик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №1. – Б. 47-52.

²⁸ Абдиев А.Т. “Алпомиш” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (Хўкиз жиров варианты асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – 23 б.

²⁹ Саидов М. “Алпомиш” достонидаги исмлар ҳақидаги қайдлар // Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.62-65.

³⁰ Норқулова Ш. “Алпомиш” достонининг ономасиологик асослари. – Сурхондарё: Сурхон-нашр, 2016. – 64 б.

³¹ Қаранг. Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” достони фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд, 1998. – 42 б.

³² Turubov A. “Alpomish” dostonidagi shevalarga xos so‘zlarning izohli lug‘ati. – Samarqand, 2006. – 52 b.

³³ Қаранг. Мирзаев Т., Эшонқул Жаббор, Фидокор Селами. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 164 б.

3. “Алпомиш” достонидаги ономастик бирликлар: антропонимлар, мифонимлар, этнонимлар, теонимлар, топонимлар, гидронимлар, зоонимларнинг изоҳли луғатини яратиш.

4. “Алпомиш” достони” номли асарнинг яратилиш тарихи, этногенезиси, жанрий такомилли, шу номдаги туркий халқларда тарқалган эртақлар, достонлар мавзуси, ғояси, композицион тузилиши, вариантлари; луғат таркиби: архаизмлар, историзмлар, диалектизмлар, этнографизмлар, фразеологизмлар; атоқли отлар: бадий тимсоллари, топонимлар, зоонимлар, этнонимлар; ижрочилари – бахшилар, у асосида яратилган бадий асарлар: шеърлар, драмалар, бадий ва мультфильмлар, алпомишшунослик, достон тадқиқи ва тадқиқотчилари ҳақида маълумот, билим берувчи энциклопедик луғат яратиш.

5. Достон вариантларининг бадий ва лисоний хусусияларини қиёсий тадқиқ этиш, ҳар бир вариантнинг ўзига хос лингвопоэтик жиҳатларини аниқлаш.

6. “Алпомиш” достони диалектизмларини ареал, қиёсий-тарихий аспектларда тадқиқи этиш, изоҳли луғатини яратиш.

Диссертациянинг “Алпомиш” достонидаги этноним ва антропонимларнинг лисоний таҳлили” номли 2-бобида халқ, уруғ ва элат номлари ҳамда бадий тимсолларнинг исмлари таҳлили берилган.

Бобнинг 1-бўлимида “Достондаги этнонимларнинг этнолингвистик таҳлили” ёритилган.

Асарда *қўнғирот*, *қалмоқ* этнонимлар фаол қўлланган. *Қўнғирот* – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири, шу қабиллага мансуб кишилар.³⁴ Мазкур қабиланинг тарқалиш ареали кенг. Ўзбекистонда Сурхондарё ва Қашқадарёда яшовчи уруғлар қаторида *қўнғиротлар* ҳам қайд этилган. Шу боис Ҳ.Олимжон қайд этганидек, “Алпомиш” Ўрта Осиёда яшовчи (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ каби) халқларнинг оғзаки адабиётига кирган ва улар ўртасидаги ўртоқ достондир. Ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар ҳар қайсиси “Алпомиш”ни ўз достони сифатида ўқийдилар, севадилар.³⁵

Туркий халқлар этнонимиясида қадимдан ҳайвонлар билан боғлиқ тотемлар кенг тарқалган. Ҳ.Дониёровнинг фикрича, этнонимнинг луғавий асоси мўғулча бўлиб, “*қора қарға*” маъносини англатади.³⁶ Бизнингча, олимнинг қарашлари асосли.

Қўнғирот луғавий бирлиги достонда этнонимгина эмас, топоним, яъни қўнғиротлар яшайдиган жой маъносида *Қўнғирот*, *Қўнғирот эли*, *Бойсин-Қўнғирот* вариантларида қўлланган: *Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чупурон тўй бўлди. (3.40) ...энди Бойсин-Қўнғирот юртини Бойбўрига бўшатиб берайик, Бойсин-Қўнғирот юртини бир ўзи ёйлаб олсин, – деди. (3.51)*

³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 5-ж. – Б.410.

³⁵ Ҳамид Олимжон. Мардлик, муҳаббат ва дўстлик достони // Танланган асарлар. Ҳикоя, очерк, танкид, публицистика. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б.334.

³⁶ Дониёров Ҳ. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б.108.

Достонда кўнғиротлар, хусусан, Бойсари, Барчин ва бошқалар қалмоқлар, яъни Тойчихон, Сурхайил кампир ва бошқалар томонидан ўзбеклар деб аталади ҳамда достон матнида ўзбек этноними ўзбек, ўзбак фонетик вариантларида қўлланган:

Сурхайил мастон Қалмоқшоҳга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Чилбир чўлни томоша қип келайин.

Ўзбаклар мазгили қандай, кўрайин... (3.67)

Демак, *кўнғирот* – ўзбек халқига мансуб қабила, достонда шу халқ тимсолини ифода этган. Ономастик трансонимизация асосида этноним хоронимга, яъни мамлакат, юрт номига ўтган: *кўнғирот* (этноним) > *Кўнғирот эли* (хороним) > *Кўнғирот* (хороним).

Манбаларда *қалмоқ* сўзи туркий “қолмоқ” феълидан олинган, ислом динини қабул қилмасдан маъжусийлар ҳолида қолган ўйротларни англатиши қайд этилган. *Қалмоқ* этноними мўғул тилидаги *халимаг* сўзидан келиб чиққан ва “қурама”, “қуроқ” маъносини англатади.³⁷ *Қалмоқ* этнонимининг *калмик* варианты ҳам бор. Қалмоқлар ўзларини *хальмг* деб аташади.

Қалмоқ этноними бошқа атоқли отларга луғавий асос бўлган, қалмоқлар яшайдиган юрт номи – хороним, Тойчихоннинг яна бир номи сифатида қўлланган.

“Алпомиш” достонидаги этнонимлар таҳлили туркий халқ қадимий авлодларининг яшаш тарзи, тарихи, этник, ижтимоий, лисоний тараққиёти, такомили хусусида ёрқин тасаввурлар беради.

Бобнинг 2-бўлимида “Алпомиш” **достони бош ва ижобий тимсоллари исмларининг ономастик, этнолингвистик ва лингвокультурологик таҳлили** берилган.

Ўзбек тилидаги кўпгина исмларнинг юзага келиши миллий, диний, урф-одатлар, расм-русмлар, удумлар, эътиқот ва тасаввурлар билан узвий боғлиқ. Чақалоққа берилган ном унинг тақдири, ҳаётига катта таъсир кўрсатади, исм одамнинг руҳияти, тақдирини ўзида мужассам қилади, киши ўз номига ўхшайди, деб ишонишган. Бу адабий тимсолларнинг исмларида ҳам кузатилади. Тимсолларнинг исми асар мавзу ва ғоясига мутаносиб бўлади, ўз мазмун-моҳияти билан бадиийлик ташийд.

Ҳакимбек исми арабча “*билимдон, ақлли, доно, донишманд*” маъноларини англатувчи *ҳаким* сўзига исмлар таркибида қўлланувчи *бек* сўзининг қўшилиувидан ясалган.³⁸ Демак, исм “*ақлли, доно, билимдон, кучли, қудратли ҳукмдор, бошлиқ*” деган антропонимик маънога эга.

Достоннинг вариантыда қайд этилишича, Шохимардон пир унга табиб бўлсин деб шундай исм берган: *Ҳакимбекнинг табиблиги ҳам бор эди. Уза Ҳаким бўлсин, деб азиз пирлари отини мулла Ҳаким қўйиб эди.* (2.72)

“Алпомиш” достонида аёлларга хос бўлган фазилатлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни Барчин образи орқали нозик бадиий бўёқларда гўзал ва эҳтиросли тасвирланган³⁹.

³⁷ Хасанов Х. Историко-топонимическая схема Средней Азии. Сборник Топонимика Востока. – М: Наука, 1969. – С.210.

³⁸ Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – Б.568-569.

³⁹ Йўлдошева С. “Алпомиш” достонида аёллар мавқеи // “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Термиз: Фан, 1999. – Б.37.

Адабиётларда *Барчин* антропонимининг луғавий ва мотивацион асоси турлича талқин этилади. Ҳозирги исмлар луғатида *Барчин* исми ўзбекча “*шойи, мато, ипак мато, парчин ёки барчин*” маъносидаги сўздан олинган бўлиб, қизларга қўйилиши, “*гўзал, зебо қиз*” деган маъноларга эгаллиги кўрсатилган.⁴⁰ О.Мадаев, Б.Дўстқораеварнинг қайд этишича, *Барчин* исми ёввойи ўрдакнинг урғочисини англатувчи “бовурчин” сўзи билан боғлиқ⁴¹. Эски ўзбек тилида “ўрдакнинг макиёни” *бўрчин* деб аталган: *Дағи турк ўрдакнинг эркагин “сўна” ва тишисин “бўрчин” дер* (А.Навоий. Муҳокамат ул-луғатайин). Бизнингча, антропонимга ана шу *бўрчин* сўзи луғавий асос бўлган. Исмнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *бўрчин > барчин > Барчин*.

Достоннинг вариантларида тавсифланишича, “*Ой Барчиннинг энаси Кунтуғмиш сутини етказа олмади. Бойчиборнинг энасининг сутини берди. Шунинг учун ой Барчин бўлди. Осмондан 11 кўрк келган. Бир қисмини ой Барчинга берди. Шундан ой Барчин аталди*”. (1.240)

Барчин вазифасига кўра адолатталаб, шартлашувчи, мазмунан севгига содиқ, вафодор ёр, ифбатли, шарму ҳаёли, доно ва тадбиркор, қудратли кучга эга бўлган қиз тимсоли. Бу достонда унинг ташқи портрети тасвирланган парчаларда ҳам ёрқин кўринади: “*Барчин баркамол, бўйи етган, ҳар яғрини ўн беш қарич, бу ҳам али*”.⁴²

Барчин Алпомиш қалмоқ юртида асир бўлиб қолиб кетганида уни узоқ йил кутиб, ёрига садоқат билан яшайди. Мана шу жиҳат ўзбек лингвомаданиятида *Барчин* поэтонимининг садоқатли аёл рамзига айланишига сабаб бўлган. Шейрий матнларда *Барчиной* поэтониими ёр садоқатини таъкидлаш, қиёслаш каби мақсадларда қўлланади:

Барчинойдек кутганинг қани?

Зардобу қон ютганинг қани,

Умр йўлида то юмгунча кўз,

Бирга-бирга кетганинг қани? (Миртемир. Сурат)

Бобнинг 3-бўлимида “**Достондаги персонажлар исм ва лақабларининг номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари**” ёритилди.

2.3.1. “Бойбўри, Бойсари, Тойчахон ва Ултонтоз антропонимлари таҳлили”. “Алпомиш” достонидаги антропонимлар ҳақида сўз юритган О.Мадаев *Бойбўри* – оқ бўри, *Бойсари* – оқ тепа эканлигини кўрсатади.⁴³

М.Жўраев фикрича, “... халқ достонларининг шаклланиши ва бадий ривожига жараёнида эпик тафаккур билан бир қаторда мифологик тасаввурлар асосида юзага келган архитип ва поэтик тимсолларнинг алоҳида ўрни бор.” Олимнинг қайд этишича, достондаги *Бойбўри* ва *Бойсари* тимсоллари ҳам

⁴⁰ Бегматов Э. Ўша луғат, 48-б.

⁴¹ Қаранг. Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура // Тил ва адабиёт таълими, 1998. – № 2. – Б.15; Дўстқораев Б. Алпомиш матнининг жилolari // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011. – № 1.

⁴² Алпомиш: Достон / [Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли; Ёзиб олувчи М.Зарифов]. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б.35.

⁴³ Қаранг. Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура // Тил ва адабиёт таълими, 1998. – № 2. – Б.15.

қадимги туркий қавмларнинг тотемистик ишончларига алоқадордир.⁴⁴

Эски туркий тилда *бой* сўзи *уруғ, қабила, жамоа* маъноларини англатган.⁴⁵ Шунга асосланган А.Аширов: “Бойбўри – “бўри қабиласи”, “бўрига топинувчи уруғ” деган маънони англатади. Шу сабабли Бойбўри қадимги туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик исмга, этнонимга айланган”, – деган фикр билдиради.⁴⁶

Антропонимларга қуйидагича изоҳ ва талқинлар бериш мумкин. *Бойбўри* антропоними *бой* ва *бўри* сўзларининг қўшиливидан ясалган соф ўзбекча қўшма таркибли исм. *Бой* сўзи “*давлатли, бадавлат ёки ҳукмдор, ҳоким*” деган маъноларнинг англатади. *Бўри* сўзи туркий халқлар, қадимий одатига кўра соғ, маҳкам бўлсин деб бўрининг жағидан (терисидан) ўтказиб олинган болага ёки тиши билан туғилган болага қўйилган.⁴⁷ Бойбўри “*соғ, маҳкам, давлатли, ҳукмрон*” киши дегани.

Бойсари антропоними эса *бой* ва *сари* сўзларининг қўшиливидан ясалган. *Сари* сўзи *сарик* сўзининг варианты сифатида “*сарик рангли, сарик сочли ёки таниқли, машҳур; оқсуяклар, аслзодалар авлодига мансуб*” маъноларини англатади.⁴⁸ *Бойсари* “*аслзодалар авлодига мансуб бой киши*” дегани. Бизнингча, *Бойбўри* бўри тотемига асосланган, *Бойсари сари*, яъни *сарик* этнонимлари асосида юзага келган деб қараш тўғри бўлади. Демак, Бойбўри “*бўри уруғига мансуб бек, бўри уруғининг беги*”, Бойсари “*сари уруғига мансуб бек, сари уруғининг беги*” антропонимик маъноларига эга.

Тойчахон антропонимига *той* сўзининг кичрайтириш-эркалаш шакли *тойча* луғавий асос бўлган. Исмнинг *Тойчихон* варианты таркибидаги *хон* сўзи “*ҳукмдор, бошлиқ, подшоҳ*”, исмлар таркибида *улуғ мартабали, эъозли, обрўли; улгайиб элга бош бўлсин* маъноларини англатади.⁴⁹ Демак, *Тойчихон* антропоними “*эркатой улуғ мартабали, эъозли, обрўли подшоҳ*” ономастик маъносига эга.

Ултонтоз ултон ва *тоз* апеллятивларидан таркиб топган қўшма таркибли антропоним. Исмнинг маъноси ҳам унга луғавий асос бўлган ана шу сўзларнинг маъно-мундарижасига асосланади.

Ултон – қадимий туркий сўз. Ҳозирда бу сўз шеваларда қўлланади. Изоҳли луғатда “*ултон*” сўзига “*қорамол терисидан тайёрланган, пишиқ, қалин чарм, тагчарм*”⁵⁰ деган изоҳ берилади. Бизнингча, *ултон* сўзи “*тубан, пасткаш*” кўчма маъноларига ҳам эга. Антропонимга сўзнинг ана шу кўчма маъноси луғавий асос бўлган.

Тоз сўзи эса қуйидаги маъноларни англатади: 1. Бошнинг сочсиз тақир ёки кал ери. 2. Шундай бош ва шундай бошли одам.⁵¹

⁴⁴ Жўраев М. Миф ва унинг “Алпомиш” достонидаги ўрни // “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Термиз: Фан, 1999. – Б.25.

⁴⁵ Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1963. – 3-т. – Б.155.

⁴⁶ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътикод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 19.

⁴⁷ Қаранг. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – Б.66.

⁴⁸ Қаранг. Бегматов Э. Ўша луғат, 376-б.

⁴⁹ Бегматов Э. Ўша луғат, 586-б.

⁵⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж. – Б. 280.

⁵¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. – Б.132.

Ултонтоз антропоними “гапирувчи номлар” сирасига мансуб бўлиб, ўзи атаётган шахс ва унинг ташқи қиёфаси, ички дунёси ҳақида “гапириб” туради. Хуллас, антропоним халқимиз томонидан зукколик билан шахс ва ном уйғунлиги тамойили асосида ҳосил қилинган бўлиб, дostonнинг бош тимсоли Алпомишга қарши қўйилган салбий тимсолни ва унга хос салбий иллатларни ифодалаш билан эксперссив-эмоционал вазифа бажарган.

Этнолингвистик ёндашувлардан англашиладики, дostonнинг куртаклари патриархал қабиллалар ҳаётига бориб тақалади. Дostonда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, синфий зиддиятларнинг чуқурлашуви, қабила камбағалларининг қул қилиниши, феодал муносабатларнинг шаклланиши дostonдаги айрим антропонимларда ифодаланган. Масалан, *Қултой* антропоними таркибидаги *қул* сўзи ўзбекча бўлиб, “*хизматчи, тобе, банда; эркисиз*” деган маъноларни англатади⁵². Исм сўзнинг *Аллоҳга, динга, пайгамбарга, соҳибига фидойи* семалари асосида шаклланган. *Қултой* антропоними “*Аллоҳнинг эрка, суюкли бандаси ёки эрка қули*” деган антропонимик маънога эга⁵³. *Қултой* тимсолининг ҳаёти ва фаолиятида ҳам бу жиҳат кўзга ташланади. У Бойбўрининг содиқ ва эрка қули, Алпомишга қул бўлса-да, отадай.

Кайқубод исмининг луғавий асослари форсча. Антропоним тарихий манбаларда *Кубод, Қубод, Кайқубод* вариантларида учрайди ва “севимли шоҳ”, “ҳақиқат”, “адолатли шоҳ” маъноларини англатади⁵⁴. *Кайқубод* дастлаб қул тимсоли сифатида берилса-да, Алпомишнинг ёрдами билан дoston охирида шоҳлик мартабасига эришади. Демак, исмда унинг келажак тақдири ўз ифодасини топган. Кўринадики, асардаги ҳар бир тимсол исми соҳибининг тақдири, характери ва бошқалар ҳақида “гапириб” туради.

2.3.2. “Қалмоқ полвонлари ва хизматкорларнинг исмлари таҳлили”. Сурхайил маstonнинг катта ўғли исми – *Кўкалдош* луғавий асоси ва тарихий-этимологик манбасига кўра қадимги туркий тилга мансубдир. Одатда, бундай исм бир онани эмишган болаларга қўйилади, “эмукдош, бир онани эмишган бола, қариндош” маъноларини англатади⁵⁵.

Номинацион-мотивацион асосига кўра тасвирий исмларга мансуб ташқи физиологик белги-хусусиятлар ифодаси сифатида юзага келган қалмоқ паҳлавонларига хос *Кўкқашқа, Бойқашқа, Тойқашқа* антропонимлари бир хил моделда ясалган серияли исмлар гуруҳини ташкил этади. Бу исмларнинг иккинчи компоненти *қашқа* луғавий бирлиги тарихий-этимологик жиҳатдан ўзбекча, кўп маъноли бўлиб, “от ёки мол пешонасидаги оқ жой, оқ нишона; шундай нишонали от, мол” ва кўчма “бетнинг кўринадиган ерида урилишдан қолган нишона, яра, чақа” ҳамда айрим сўзларга қўшилиб, салбий “ҳамма биладиган, танийдиган”⁵⁶ маъноларини англатади. Сўз иккинчи ва охириги

⁵² Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – Б. 549-552.

⁵³ Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – Б.551.

⁵⁴ Давлатова Ф.Т. Лингвистическое исследование антропонимии “Таърихи Табари” Бальами Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. автореф. – Душанбе, 2019. – 56 с.

⁵⁵ Бегматов Э. Ўша луғат, 192-б.

⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – 5-ж. – Б.269.

маънолари билан юқоридаги кўшма таркибли исмларнинг ясалишига асос бўлган. Бу серияли исмларнинг қўлланишида Алпомишнинг душманлари кучли эканлигини ифодалашдек услубий мақсади бор.

Яна бир салбий тимсол *Яртибой* бўлиб, у дostonда куйидагича тасвирланади: ... *Яртибой оқсоқол дегани бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсаганинг олдида ковушга жой бермай, ковуш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди.* (1.46)

Яртибой исми ҳақида Б.Дўстқораев: “Унда қандайдир нуқсон мавжуд. Шунинг учун унинг исми “ярим”, деган маънони билдиради. Ёртибой уруғ бошлиғи Бойсари ўтказган кенгашда ўзини худбинларча четга тортиб, уруғдоши бошига иш тушганда жўяли маслаҳат беришдан қочади, яъни “ярим одам” – ёртилигига боради. Бахшилар таъкидлаганидек, “ковуш билан тенг” кимсанинг гапини айтади”, – деб ёзади.⁵⁷ Бизнингча, Яртибойда мустақил бир фикр йўқ. Шу боисдан исмга ҳозирда эскирган “*ярим, яримта; чала*” маъносини англатувчи *ёрти* сўзининг диалектал варианты луғавий асос бўлган. Демак, мазкур исмлар мотивацион, луғавий асоси билан салбий оттенка ифодалайди, ўз соҳиби ҳақида “гапириб” туради, шу жиҳатдан лақабларга ўхшаб кетади.

2.3.3. “Дostonдаги хизматкор аёлларнинг исмлари хусусида”. Бадий асарларда, жумладан, халқ дostonларида қўлланган ҳар бир тил бирлиги мавзу ва ғояга мутаносиб тарзда маълум услубий вазифа бажаради. Бу, албатта, дostonларда қўлланган ономастик birlikлар катори антропонимларга ҳам хосдир. “Алпомиш” дostonида қўлланган барча исмлар ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Сухсурой антропонимига ўзбек тилида *сухсур, суқсур* вариантларида куш номини ифодаловчи апеллятив луғавий асос бўлган. Антропоним “*сухсурдек чиройли, мўътабар қиз*” ономастик маъносини англатади. Ўзбекларда *Сухсур* – гўзаллик ва соғломлик рамзи.

Дostonда Ултонтознинг энаси *Бодом* тимсоли ҳам бор. *Бодом* тимсолига дostonда “қовун кўриб, кўчқор боқиб, ҳар ерда ухлаб қолиб, тилини ола ҳакка чўқиб, соқовтоб бўлиб қолган” деган халқона таъриф тавсиф берилган ва куйидаги вариантларда қўлланган: *Илгари Ултонтознинг энасини Бодом чўри дер эди, бу вақтларда Бодом бикач дейди.* (1.433)

Бодом антропонимига форс-тожикча *бодом* апеллятиви луғавий асос бўлган. Исмнинг мотивацион асоси икки хил: а) бодом гуллаганда туғилган қиз; б) бодом каби мустаҳкам, маҳкам қиз.⁵⁸ Бизнингча, у ўз манфаати йўлида “мустаҳкам, маҳкам” туриши нуқтаи назаридан қаралса, исмга иккинчи мотив асос бўлган.

Исмнинг *Бодом чўри* варианты унинг хизматкорлиги, ижтимоий вазифаси ва табақасига ишора қилса, *Бодом соқов* варианты унинг физиологик камчилиги, нутқий қусурлари ифодаси сифатида юзага келган исм-лақабдир.

⁵⁷ Дўстқораев Б. Ўша мақола, 3-б.

⁵⁸ Бегматов Э. Ўша луғат, 65-б.

Диссертациянинг 3-бобида “Достондаги топоним, мифоним, теоним ва зоонимларнинг лингвофольклористик таҳлили” берилган.

Бобнинг 1-бўлимида “Достондаги топонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари” ёритилган.

Достондаги топонимларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Хоронимлар – мамлакат, ўлка, вилоятларнинг атоқли номлари.
2. Оронимлар – тоғ, қир, тепа, чўққи, доvon ва бошқаларнинг атоқли номлари.
3. Агроонимлар – водийлар, далалар ва ер майдонларининг атоқли номлари.
4. Гидронимлар – сув объекти ва иншоотларининг атоқли номлари.

Достон воқеалари *Бойсун*, *Бойсин-Қўнғирот* юртида бўлиб ўтади. А.Бўронов *Бойсун* ойконими хусусида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: “Қозоғистонлик этнологлар томонидан келтирилган манбаларда “Жийдали *Бойсун*” топонимига нафақат оддий жой, балки миллатнинг бирлиги таъминланган, адолат қарор топган жаннатмонанд ер сифатида қаралган.

Ўзбек тилида *Бойсун* антропоними ҳам бор бўлиб, “Бойсунда туғилган бола. *Бойсун* фарзанди; улуғ, юксак, улуғвор” маъноларини англатади.⁵⁹

Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманида *Бойшун* номли қишлоқ ҳам бор. Б.Ўринбоев мазкур ойконимни *бой* ва *шун*<*сун* қисмлардан таркиб топган деб кўрсатади: “*син*>*сун*>*шин* – бўй, қад-қомат, тус, кўриниш маъноларига эга: *тоғдай син берсин* – *тоғдай бўй берсин*. XI аср туркий тилда *қомат*, *гавда* *син* деб аталган. Сибирь туркий халқлари ва қозоқ тилида *син* – *тизма тоғ*, *тоғ тизмаси*, *чўққи*, *қоя юксаклик*, *баландлик* маъноларида, қорачой-болқар тилида *дара* маъносида ишлатилади. *Тоғ*, *тоғ тизмаси* *син* > *сун* > *шин* сўзининг қадимги бирламчи; *қад-қомат* иккиламчи маъносидир.

Бойшун ороним сифатида юзага келган бўлиб, у ойконимга ўтган”⁶⁰.

